

ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

2-бетда

КЕЛИН ОЛДИМ - ТАШВИШГА ҚОЛДИМ...

6-бетда

ЭНДОКРИНОЛОГ ОГОҲЛАНТИРАДИ

7-бетда

# Oila

# va Jamiyat

№ 37 (1343)

13 SENTABR

2017 YIL

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

## МАНСАБ ТУҲФА ЭМАС – МАСЪУЛИЯТ



“Яқинда ёшгина келинчак бе-  
маъни бир масалада бошимни  
қотирса денг. Россияда юрган куёв  
фарзандини тан олмаётган эмиш. ДНК  
қилдириб, бунини исботлаш учун ёрдам  
сўраб келибди. Тек юрмагандирсанки,  
куёв ишонмаётгандир. Нима, мен ДНК  
қилдириб беришим керакми энди унга!?  
Ғалати-ей бу одамлар...”

3-бетда

УШБУ СОҲДА:

### ТҮЙГА БОРИШ ҚИММАТГА ТУШМОҚДА



Қўшим, яъни йигитнинг она-  
си меҳмонларнинг ёнига бориб,  
тўйхона харажати учун маблағ  
етмаётганини айтиб, қарзга пул  
йиға бошлади. Тўй эгасининг бу  
ишини кимдир тўғри қабул қилди,  
бошқа биров: “Кўрпанга қараб оёқ  
узатмайсанми?!” дегандек бир сўм  
хам бермади.

4-бетда

### АЁЛЛАР, УЙГА



ҚАЙТИНГ!

7-бетда

### УДУМЛАРДА ИҚБОЛ РАМЗЛАРИ



8-бетда

# ОИЛАНИНГ МУНИСА ПОСБОНЛАРИ



**Ўзбек Миллий академик драма театрида “Келин ҳам бравнинг жондек боласи” номли маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида оилаларда тотувлик ва ҳамжихатликни асраш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида ташкил этилган анжуманда маҳаллалар фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари, пойтахтимизнинг Шайхонтохур, Бектемир, Сергели, Яшнубод, Юнусобод ва Яққасарой туманларидан ибратли қайнона ва келинлар, ёши улуг онахонлар, оилада намунали бека, жамоат ишларида фаол аёллар иштирок этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, хусусан жамият аъзоларининг маънавий юксалишида тўлақонли оиланинг шаклланишида, оналарнинг ўрни бекиёслигини, бу борада фуқаролар йигинларида ташкил этилган “Қайноналар кен-

гаши” жамоат тузилмасининг фаолияти алоҳида эътиборга молик эканини таъкидлаб ўтдилар. Мазкур жамоатчилик тузилмаси фаолиятини такомиллаштириш ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, оилавий ажримларнинг олдини олишга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган “Қайноналар кенгаши” жамоатчилик тузилмаси оилалар фаровонлигини таъминлаш, муаммоларини ўрганиш, унинг маънавий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, шунингдек, оналик ва болаликни ҳимоялаш, баркамол авлодни вояга етказиш, соғлом ва юксак маънавий муҳит барқарорлигини сақлашга хизмат қилмоқда. Жорий йилда “Қайноналар кенгаши” томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 18 мингга яқин нотинч оила яраштирилди. Фарзандлари ва оиласи олдида масъулиятни ҳис этмаётган оталарга ўз бурчини англатишда ҳам мазкур жамоатчилик тузилмасининг хизмати катта бўлмоқда.

Оилаларни мустаҳкамлаш, ажрим ҳолатларининг олдини олиш, оилаларнинг ижтимоий-маънавий ва моддий ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган,

шунингдек, ажрим ҳолатларигача олиб келаётган дабдабали тўй-ҳашамлар ва бошқа оилавий маросимлардаги исрофгарчилик ҳолатларининг олдини олиш, ихчамлаштириш, қайнона-келин ўртасидаги ижобий муносабатларни тарғиб этиш мақсадида ташкил қилинган мазкур анжуман доирасида мавзуга оид кўرғазмалар, қайнона-келин ўртасидаги муросасизлик, оилавий можаролар ва уларни барт-

## 18 МИНГГА ЯҚИН НОТИНЧ ОИЛА ЯРАШТИРИЛДИ.

раф қилиш йўллари акс этган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

“Машрик-машъали” ўқув маркази психологари томонидан пойтахт туманларидан келиб, иштирок этган қайноналар билан 5 дақиқалик “Қайнона” номли тест-тренинглар ўтказилди.

– Хонадон катталари оила ҳамжихатлигини асраш, келин ва фарзандлар ўртасида соғлом муҳитни таъминлашга масъулдир, – дейди Яшнубод туманидан намунали қайнона деб топилган журналист Гулжаҳон

Мардонова.

– Оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришга бағишланган мазкур анжуман ҳар бир иштирокчи учун байрамга айланиб кетди, десам муболаға эмас. Мен бу анжуманни ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга тадбир, деган бўлардим. Чунки оилаларда тотувлик муҳитини асраш, баркамол фарзандлар тарбиялашни тарғиб этишда бундай тадбирларнинг таъсир доираси жуда катта кучга эга.

Тадбир сўнггида Сергели туманидаги имтиёзли уй-жойлардан олиш учун ариза берган энг намунали (тор уйда кўп келинларни бошини қовуштириб, аҳил ва иноқ яшаб келаётган) 11 нафар қайнонага навбатдан ташқари уй олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳамда энг яхши иштирок этган қайнона-келинларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитасининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева сўзга чиқди.

**Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА,**  
“Оила ва жамият” муҳбири

# ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида мамлакатимизда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижаларини тарғиб қилиш, оилаларни мустаҳкамлашда кенг жамоатчилик ўрнини ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиб бериш, шунингдек, ибратли оилаларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловнинг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда.

## РУҲИЙ УЙҒУНЛИК МУҲИМ

Наманган вилоятида мазкур танловнинг дастлабки босқичида голиб бўлган 11 оила ўзаро беллашди. Иштирокчилар таништирув, тезкор савол-жавоб ва «Оила мустаҳкамлиги – юрт тинчлиги» мавзусида видеоролик тайёрлаб, намойиш этиш шартлари бўйича беллашди. Бу шартларда қатнашчилар ўз оиласи таркиби, касб-кори, оила аъзоларининг сеvimли машғулоти, эр-хотиннинг оила қуриш жараёни, қайнона-келин муносабатлари, фарзандларни гўзал ахлоқ, илму маърифат, жисмоний ва руҳий уйғунликда камолга етказиши, набиралар тарбиясидаги ҳаётий тажрибаси, оиладаги анъана ва қадриятларини ҳаётий мисоллар асосида қизиқарли тарзда баён қилиб бердилар.

«Оила мустаҳкамлиги — юрт тинчлиги» мавзусидаги видеороликларда оилавий ҳаётда учрайдиган муаммолар, эр-хотин, қайнона-келин,



қўни-қўшнилар ўртасидаги муносабатлар, чет элга иш излаб кетиш, тўй-ҳашамлардаги ортиқча дабдаба-бозлик, ёшларни диний экстремизм, жиноят йўлига кириб кетиши ва уларнинг олдини олиш йўллари кўрсатиб берилди.

Танловда «Файзли оила», «Спортчи оила», «Ишбилармон оила», «Меҳрибон қайнона», «Аҳил оила», «Саховатли оила», «Ибратли келин», «Ташаббускор оила» номинациялари бўйича совриндорлар аниқланди, улар ҳамкор ташкилотларнинг диплом, сертификати ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Вилоят босқичида голиб бўлган ўқитувчи ҳамда шифокор Марғубахон ва Юсуфжон Сиддиқовлар оиласи танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

## АҲИЛЛИК ВА ТОТУВЛИК ҲИҚМАТИ

Сирдарёда ҳам мазкур танловнинг вилоят босқичи яқунланди.

Бу йилги танлов ҳар йилгидан ўзгача – Боёвут туманидаги “Анорзор” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Комилжон ва Мамлакат Файзуллаевлар хонадонидан

ташкил этилди.

“Биз китобхон оиламиз” ҳамда “Оила мустаҳкамлиги – юрт тинчлиги” мавзуларида беллашган иштирокчилар орасида Сайхунбод тумани “Иттифоқ” маҳалласида истиқомат қилувчи Даврон ва Фазилат Эгамбердиевлар оиласи 1-ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

– Оиланинг эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор топиши жуда кўп омилларга боғлиқ, – дейди Фазилат Эгамбердиева. – “Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш лозим”, деб ёзган эдилар “Юксак маънавият-енгилмас куч” асаридан Биринчи Президентимиз Ислам Каримов. Бу қоидаларга бизнинг оилада қатъий амал қилинади. Аҳиллик, ўзаро ҳурмат, фарзанд тарбиясида яқдиллик оиламизнинг олтин қондасидир.

“Энг намунали оила” кўриктанловида иштирок этаётган оилалар кийёфаси, фарзанд тарбияси, уларнинг «оммавий маданият» ва бошқа гоъий таҳдидларга қарши кураша оладиган, мустақил фарқи эга инсонлар этиб тарбиялаш омиллари, бадиий адабиётлар, маънавий дунёқараш, сиёсий билимлар юзасидан берилган тезкор саволларга қайтарилаётган жавоблардан аён бўлмоқдаки, бугунги кунда юртимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва намунали оилалар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

**Шаҳло ТОШБЕКОВА,**  
**Зебо ҲАЙДАРОВА,**  
“Оила ва жамият” муҳбирлари  
oilavajamiyat@mail.ru

## МАНСАБ ТУҲФА ЭМАС –

## МАСЪУЛИЯТ

“Одамларга нима бўлган ўзи, тушунолмамай қоламан баъзан. Арзимаган нарсаларни ҳам муаммо, деб кўтариб келишади. Оилавий машмашалардан безиб кетдим. Қайнона-келин келишолмаса ҳам, бирортасининг боласи касал бўлса ҳам биз балоғардон. Яқинда ёшгина келинчак бемаъни бир масалада бошимни қотирса денг. Россияда юрган куёв фарзандини тан олмаётган эмиш. ДНК қилдириб, бунни исботлаш учун ёрдам сўраб келибди. Тек юрмагандирсанки, куёв ишонмаётгандир. Нима, мен ДНК қилдириб беришим керакми энди унга!? Ғалати-ей бу одамлар...”

Айланма креслосида ястаниб, оғзини тўлдириб галераётган раҳбар опахон шу пайтгача халқнинг бирор бир муаммосини ҳал қилиб бермагани шундоқ кўриниб турар эди. Оилалар билан ишлаши, оилавий муаммоларни ҳал қилиш, хотин-қизларга ёрдам бериш бевосита вазифаси эканини, пахта, ғалла, пилла, тут кўчати ўтказиш унинг иши эмаслигини унутган шекилли, бу оиладаги муҳитни тўқитиш ўрнига: “Нима, мен ДНК қилдириб беришим керакми энди унга!?” дея энсасини қотириб ўтирибди. Шунинг учун ҳам у бу вазифада узоқ қоламан. Эгаллаб турган лавозимига нолайик, деб топилди...

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан жойларда раҳбарларнинг аҳоли билан учрашувариди, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш чоғида кўплаб муаммолар юзага қалқиб чиқмоқда. У ёки бу даврада қайсидир раҳбарнинг фирқалаш, маълум бир муаммоли вазиятларда ўзини тутиши орқали сависия-ю, дунёқарашини намоён қилиб кўяётгани тез-тез муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Кимдир эҳтимол бундан тўғри хулоса чиқариб, ўз устиди ишлашни бошлагандир, аммо ҳали ҳам лавозимини “инъом”, деб ўйлайдиганлар кам эмас. Аслида ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган раҳбарлар ўз соҳасига оид oilavajamiyat@mail.ru



барча янгиликлардан бохабар бўлади. Қайси бир даврада ўзига тегишли мавзуда гап кетса, керакли жавобни бера олади. Бу ерда нутқ равонлиги, гап билиш каби алоҳида фазилят шарт эмас. Аммо соҳага тасодифан келиб қолганлар ҳақида афсуски, бундай деб бўлмайди. Улар ўз ишини тўғри йўлга қўя олмагани етмагандай, укувсизлиги оқибатида сарсон бўлаётган одамларнинг ташвишига томошабин бўлиб ўтиради.

– Турмуш ўртоғим узоқ йиллар туманимиздаги бир корхонада меҳнат қилди, – дейди жомбойлик Д.Аслиева. – Ишлаб чиқариш корхонаси бўлгани боис станокда жароҳат олди. Ҳозирда иккинчи гуруҳ ногирони. Аввалига оиламизга ёрдам бериб турган корхона ёпилиб, унинг раҳбарлари бошқа номда корхона очиб, бошқа маҳсулот ишлаб чиқариб, иш юртияпти. “Ёрдам беришингиз керак”, деб корхона раҳбари олдида бир неча марта бордим. Аммо менга дўқ қилиб: “Корхона ёпилиб кетган, қаерга бориб шикоят қилсанг қилавер”, қабилда муомала қилди.

Аслида корхона ёпилиш олдида, қонунчиликка асосан, пенсия жамғармасига пул ўтказган. Яъни, айни пайтда Д.Аслиеванинг турмуш ўртоғи ҳар ойда олаётган пул товон пули сифатида туман пенсия жамғармаси томонидан

**Иш сўраб туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилдим. “Кутинг!” дейишди. Кутдим. Бир ой ўтгач, яна бордим. «Одамлар йиллаб кутади, давлатни иши ўйинчоқми сизга?», деган жавобни эшитиб, ҳаҳлим чиқди.**

берилмоқда. Корхона раҳбари бунни аёлга тўғри тушунтириш ўрнига ундан қочиб юрибди. «Биз сизга тегишли пулни ўтказиб берганмиз, опа. Пулни пенсия жамғармасидан оляясиз. Мана ҳужжатлари», деса олам гулистон эди, аёл ҳар куни корхона остонасида саргайиб ўтирмасди. Эҳтимол,

бу раҳбар ўзи тушунмагани учун асл ҳолатни тушунтира билмагандир. Бироқ раҳбар билиб туриб, шундай ишга қўл урса-чи?

– Анча йиллар қўшни Иштихон тумани тиббиёт бирлашмасида ҳамшира бўлиб ишладим. Ишимни, жамоадошларимни яхши кўрганим учун масофанинг узоқлиги сезилмасди. Бироқ яқинда турмуш ўртоғим бетоб бўлиб қолди. Доимий қаровга муҳтожлиги боис уйга яқинроқ жойдан иш қидирдим, – дейди қўшрабтлик Д.Эшқувватова. – Иш сўраб Қўшрабт туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилдим. “Кутинг!” дейишди. Кутдим. Бир ой ўтгач, яна бордим. «Одамлар йиллаб кутади, давлатни иши ўйинчоқми сизга?», деган жавобни эшитиб, ҳаҳлим чиқди. Нега ўша пайтда “Ҳозирча иш йўқ”, деб қўя қолмай, кутишимни сўрашди? Нега қачонгача кутишим кераклигини аниқ айтишмади? Мен эндигина коллежни битирган қизча эмас, тажрибали ҳамшира бўлсам. Узоқ кутишга имконим йўқ эди, шу боис туман ҳокимига, Қўшрабт туманидаги Халқ қабулхонасига мурожаат қилдим. Шундан сўнг мени қақариб: “Иштихондаги ишингиздан бўшаб келинг”, дейишди. Ишдан бўшаб келдим ҳамки, ҳамон қақиртиришмайди. Орада “Коллежда ҳамшира бўлиб ишлайсиз”, дейишди. Бу коллежга яқиндагина ҳамшира олишганидан хабарим бор эди. Яна алданяпманми, дея: «Йўқ, у ерда ишламайман, коллежнинг ўз ҳамшираси бор», дедим. Улар шу гапимни ушлаб олишди-ю, хатларимни: “Биз тақлиф қилган ишни рад этди”, деб ёлиб юбораверишди.

Опа ҳақиқатни топиши учун олти ой сарсон бўлди. Ва ниҳоят ҳамшира сифатида ўз туманида иш бошлади. Лекин аёлнинг оиласидаги аҳволдан хабардор бўла туриб, уни шунча сарсон қилган раҳбарлар ҳақида нима дейиш мумкин? Вилоят, республика миқёсидаги ташкилотларга ёзмағунча ишсиз юраверармиди? Бундай аҳволда туман раҳбарларига аҳолининг ишончи, одамларнинг ихлоси қоладими? Раҳбар ўз соҳасининг билимдони бўлиш

билангина халқнинг ишончини қозона олмайди, у инсонларнинг дардини тинглаши, уларга кўмаклашиши лозим. Шундагина яхши раҳбар сифатида элнинг назарига тушиши мумкин.

**“Ёрдам беришингиз керак”, деб корхона раҳбари олдида бир неча марта бордим. Аммо менга дўқ қилиб: “Корхона ёпилиб кетган, қаерга бориб шикоят қилсанг қилавер”, қабилда муомала қилди.**

– Шифокор бир қараганда беморларни тўғри даволай олса бўлди, унинг асосий вазифаси шундан иборатдек туюлади, – дейди тиббиёт муассасаси раҳбарларидан бири. – Аммо у шунчаки оқ халатли мутахассис эмас. Айниқса, яшаб турган қишлоқларида у тозалик, саломатлик, аҳолининг тиббий маданияти учун жавобгар ҳисобланади. Шунинг учун шифокорларимизнинг оиласидаги муҳитдан доим хабардор бўлишга интиламан. Хўш, унинг ўзи оилада қандай яшайпти? Бошқаларга намуна бўла оляптими? Акс ҳолда у билан алоҳида суҳбатлашаман, тавсиялар берамиз. Ахир унинг обрўйи тўқилиши тиббиёт муассасамизга нисбатан муносабатда ҳам дарҳол акс этади-да.

Ҳақиқатан ҳам, аҳоли билан ишлайдиган ташкилотдаги ҳар бир ходимнинг ҳатти-ҳаракати ўша ердаги муҳитга ўз таъсирини ўтказиши, қайсидир маънода шу ташкилот ҳақидаги хулосани беради.

...Оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш жараёнида партия фаолларидан бири ҳам гуруҳимиз таркибига қўшилди. Турмуш шароитидан қандай аҳволда яшаётгани шундоққина кўриниб турган аёлдан “Нима муаммонгиз бор?” деб сўрашганида оила бекаси ийманибгина: “Ҳаммаси яхши-ю, шу уйнинг томини ёполмаяпмиз-да”, деб жавоб берди... Билишимизча, кам таъминланган оила сифатида рўйхатдан ўтган аёл во-

га етмаган болалари учун маҳалладан пул олар экан.

“Фақат давлатнинг пулни еб ётавермай ўзингиз ҳам ҳаракат қилинг-да, ахир. Маҳалла томингизни ёпиб бермайди-ку!”

“Мен ундай деяётганим йўқ-ку”, деб ерга қаради аёл...

Партия фаолининг сўзи нафақат аёлни, балки атрофдагиларни ҳам хижолатга қўйди. Аммо айtilган сўз – отилган ўқ.

Афсуски, бугун оилаларни ўрганиш, одамлар билан сайёр мулоқотлар чоғида шу каби муносабатларга ҳам дуч келяпмиз. Бир-икки маҳаллани айланиб чиққач, гўё катта бир ишни қойиллатиб қўйгандай фикр билдираётганлар ҳам йўқ эмас. “Одамлар жуда боқиманда бўлиб кетибди-ей. Уларнинг дунёқарашини, маънавиятини, турмуш маданиятини қаранг, шу даражага тушиб қолибмиз!”, умрида ўз идорасидан нарига чиқмаган мутахассисларнинг шу каби фикрлари ҳам қулоққа чалиниб қолади баъзан. Ваҳоланки, бу ўша – аҳоли билан ишлаши керак бўлган жамоат ташкилоти фаолининг фикри.

Аҳолининг маънавияти, маданияти, дунёқарашини сиз айтгандек, “шу даражага тушиб қолган” бўлса, бунга ким айбдор? Нега хонадонларда китоб йўқ, нега аҳоли соғлом турмуш тарзига амал қилмайди? Нега оилавий ажримлар сони кўпаймоқда? Нега хотин-қизлар жиноят кўчасига кириб қоляпти, айримларнинг ахлоқи бузилиб кетмоқда? Нега? Бу каби оғриқли саволларга жавоб топиш, бу муаммоларнинг ечимини излаш ўрнига: “Одамлар шу даражага тушиб қолибди”, дея бошини сарак-сарак қилганича тепадан бўйруқ кутиб ўтирган раҳбар ҳам аслида ўз вазифасига номуносибдир.

Яқинда бир ташкилот раҳбари: “Ҳозир фақат ишлаш керак, опа. Халқни алдаб бўлмай қолди. Дарров виртуал қабулхонага ёзишади”, дея нолиб қолди.

Тўғри айтасиз, жаноб каттакон! Энди халқни алдаб бўлмайди!

Гулрух МҶМИНОВА  
“Оила ва жамият”  
муҳбири

# ТҮЙГА БОРИШ ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

Халқимиз бағрикенг, бировнинг хурсандчилигига шерик бўлишни яхши кўради. Айниқса, тўй-томошалар кўни-қўшни, қариндош-уруғ, ёру биродарларсиз ўтмайди. Афсуски, кейинги пайтларда ана ўша хурсандчилик кунига бориш, очиги кўпчилигимизни қийнаб қўймоқда. Мулоҳазаларимиз шу ҳақда.

## ЁХУД ТҮЁННИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

“Кўрпанга қараб оёқ узатмайсанми?” дегандек бир сўм ҳам бермади. Баъзи меҳмонлар эса бор пулларини тўёна қилишганини айтиб, узор сўрашди. Шу пайт саҳна тўрида ўтирган куёвга разм солдим. Юзлари уятдан қизариб, боши эгилиб қолганди...

тўй қилаётган одам бировларнинг кўлига қараб эмас, ўз имкониятига яраша харажат қилиши зарур. Шу сабаб маҳалладаги фаол отахону, онахонларни йиғиб, суҳбат ўтказдик. Энг биринчи ишни куёвжўралар машинасини қисқартиришдан бошладик. Келишиб,

сига тузукроқ тўёна қилмасак, почтаси Тошкентда юрган жиянингни бизга атаган пули шуми, деб гапирармиш. Амакиси эса бизнинг тўйимизда, хотинимни узатишаётганда ётоқхона мебелини олиб берган экан. Энди ўша мебелни қайтаришимиз керакмиш. Бу ёқда оғайнилар ҳам ким тўй қилса, тўрт килодан гўштнинг пулини йиғишни йўлга қўйишган. Хуллас, бир ой болаларимга гўшт едирмасам ҳам тўйларга тўёна қилишга мажбурман. Қанийди, ўша кунлари зарур ишим чиқиб қолса-ю, тўйга бориш имкони бўлмаса, ёки тўйга айтиш ёдларидан кўтарилса...

## ТҮЁНАДАН ТУШГАН ПУЛГА “ЛАСЕТТИ” ОЛДИК

– Менимча тўёна беришнинг ҳеч бир ёмон томони йўқ, – дейди Жадра исмли танишим. – Масалан, бизда тўёна анча-мунча харажатларни қоплаб кетади. Ўтган йили ўғилларимнинг суннат тўйини қилдик. Тўёнага тушган маблағдан ҳам тўйхона харажатларини тўладик, ҳам “Ласетти” машинасини сотиб олдик. Аслида биз тўйдан сўнг шаҳар четроғидан икки хонали уй олишни режалаштирдик. Ўша пайт қариндошларимиздан кимнингдир хўжайини хорижга кетган, кимдир бетоб бўлиб рўзгоридан ортинолмай, тўёна беролмади. Ўзим ҳар ой оладиган маошимни фақат тўёнага сарфлайман. Яқинроқ қариндошларга бир миллион, узоқроқ таниш-билишларга эса камида 500 минг сўм бериб, тўй бўлган сана,

суммани дафтарчага ёзиб қўяман. Тўёнани бераётганимда ҳам конверт устига исм-шарифини катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўяман. Тўғри-да, баъзи одамлар тўй кўни хаяжонлиб тўёналарни адаштириб юборишди. Тушунмовчиликнинг олдини олиш учун олдиндан пухта иш қилиш керак.

## КУЁВЛАРНИ СИЙЛАШ ЭМАС, СИНАШ КЕРАК

Мухтасар АБДУРАХМОНОВА. Респубблика оила илмий-амалий маркази катта илмий ходими;

– Шу кунларда қиз узатиш арафасида турибман. Совчилар эшигимизни қоқиб келишяпти. Совчиларга аввал йигит билан гаплашайлик, деган шартни қўйдим. Куёвликка номзодлардан бирига тўй ота-боболаримиз давридагидек ширин чойларни ичириб, мазали асалларни ялатиб, ҳовлида бўлишни истайсизми, ёки замонавий бўлишимиз, деб савол бердим. Куёв бўлишларнинг аксарияти дабдабали тўйни исташди. Демак, шу нарсаларнинг онгига сингиб кетган. Буни ўзгартариш учун маҳаллаларда ёшлар билан кўпроқ суҳбатлар ўтказиш керак. Бизни қийнаётган муаммолардан бири айрим маҳаллаларда дуч келган одамни маҳалла оқсоқоли қилиб сайлаб қўйилаётгани. Аслида маҳалланинг бошчиси сўзини, фикрини бошқаларга ўткази оладиган, одамларни ортидан эргаштирадиган бўлиши керак. Ана ўшанда тўй маросимларни ихчам қилиб ўтказиш ҳақидаги қонун-қоидага ҳамма бирдек бўйсинади.

Нигора РАҲМОНОВА,  
“Оила ва жамият” мухбири  
oilavajamiyat@mail.ru



## ДАБДАБАНИНГ ДАҲМАЗАСИ

– Маҳалламизда бир ой ичида тўртта тўй бўлиб ўтди, – дейди Бектемир туманидаги Мажнунтол маҳалласида яшовчи Гулнора исмли аёл. – Иккита оила қизини узатди, икки хонадонга келин тушди. Ён кўшним тўйини шаҳардаги ҳашаматли тўйхоналардан бирида ўтказди. Катта тўйхонанинг дабдабаси ҳам, харажати ҳам катта экан. Ҳар доим кўшнлар келишиб, тўй эгасига 10-20 минг сўмдан йиғиб берардик. Аммо бу сафар 50 минг сўмдан йиғишимизга тўғри келди. Бу ёқда кийим-бош, пардоз-андоз, сочи турмаклатишга кетадиган маблағни айтмайсизми? Битта тўйга бориш учун шунча пул сарфлайвергач, одам тўй боргани ҳам иккиланиб қоларкан.

## КУЁВНИНГ БОШИ ЭГИЛДИ

– Яқинда ён кўшним ўғлини уйлантирдик, – дейди бир дугонам. – Қариндошлар қатори кўшни аёллар ҳам баҳоли қудрат атаганимизни бериб, белгиланган жойга ўтирдик. Тўйхонанинг ҳашаматию дастурхонга тортилган (керагидан ортиқ) нозу-неъматлар кишининг ақлини шоширади. Саҳнада бир-бирига гал бермай баҳслашаётган санъаткорларни айтмайсизми? Ҳавас қиладиган тўй бўлди-ю, аммо базм охирида юз берган воқеа ҳаммани эсанкиратиб қўйди. Кўшним, яъни йигитнинг онаси меҳмонларнинг ёнига бориб, тўйхона харажати учун маблағ етмаётганини айтиб, қарзга пул йиғи бошлади. Тўй эгасининг бу ишини кимдир тўғри қабул қилди, бошқа биров:

Кўшним, яъни йигитнинг онаси меҳмонларнинг ёнига бориб, тўйхона харажати учун маблағ етмаётганини айтиб, қарзга пул йиғи бошлади. Тўй эгасининг бу ишини кимдир тўғри қабул қилди, бошқа биров: “Кўрпанга қараб оёқ узатмайсанми?” дегандек бир сўм ҳам бермади.

Нодира БЕРДИҚУЛОВА, Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, “Юртдош” маҳалла маслаҳатчиси.

– Ҳозир нафақат аёллар, балки куёв навкарларни ҳам тўйга боришлари қимматга тушяпти. Илгари йигитлар тўйга бориб, ўйнаб-қулиб, меҳмон бўлиб келишарди. Ҳозир-чи, дўсти уйланадиган бўлса, икки-уч ой олдин тўёнанинг харажати қилиши керак. Тўй кўни келин-куёвга хизмат қиладиган машинанинг харажати қоплаш учун пул йиғишади. Ҳозир куёв навкарларга ўндан зиёд машина қилиняпти. Ҳар бир машинанинг нархи 100 АҚШ долларидан кам эмас. Яқинда бир йигитнинг оғайнисига мақтаниб сўзлаётганини эшитиб қолдим. “Акамнинг тўйига бир оғайниси беш яшиқ ароқ тўёна қилди. Тўйдан кейин куёвжўраларнинг икки-учтаси учиб қолди”. Яна бир танишим эса тўёнани деб эри билан жанжаллашишга борганини эшитиб, ёқа ушладим. Аёлнинг тоғаси ўғлини уйлантирадиган бўлибди. Тўёнага битта қиммат 5X5 гилам мендан, деб қўйган экан. Ўша вақтга келиб эрининг топилш-тутиши камайиб, кичикроқ гилам кўтариб келибди. Ана кўринг томошани. Ҳа, ўша гиламни тўйга олиб борса, тоға жиянини киритмай қўядими? Аслида

4 та машина қиладиган бўлди. 20 та машинага сарфланадиган пул, йигитларнинг ёнига қолади. Тўғри, тўй фарзандлари ҳаётида бир марта бўлишини рўқча қилиб, бу таклифимизга қарши чиққанлар ҳам бўлди. Ана ўша тўйга сарфлайдиган маблағларини ҳаж сафарларига, етим-есирларнинг қўнглини олишга, савоб ишларга сарфлашса яхши бўлишини тушунтирдик.

Маҳалламизда 6 та кўча бор. Кўни-кўшнларга, маҳалладошларга сўзи ўтадиган 6 нафар фаолларни кўча боши қилиб сайладик. Аҳолининг аксарият қисми тўй-маросимларни 300 ўринга эга бўлган “Ҳайитбой ота” тўйхонасида ўтказишади. Биз тарафларда тўйхонада жойнинг ўзига бир миллион сўм атрофида маблағ сарфланади. Дастурхонга қўйиладиган ноз-неъматлар, ичимликларга ҳам анча-мунча пул ишлатилади. Бизда одамлар асосан деҳқончиликдан даромад топишади. Биласиз, ҳозир ердан ҳосил олиш учун қанча маблағ, меҳнат сарфланади. Одамларни озгина назорат қилмасак, машаққат билан пешона тери эвазига топган маблағини бир кунлик тўй учун сарфлайди – қўяди. Тўйдан кейин эса қарз машамаша бошланади.

## ИЛТИМОС, МЕНИ ТҮЙГА АЙТМАНГ!

– Илгари бирор қариндош-уруғ ёки таниш-билишлар тўйга айтмай қолса, тўй эгасидан ўпка-гина қилиб юрардик, – дейди Нозим исмли танишим. – Ҳозир тўйга айтмаса, хурсанд бўламиз. Октябрь ойида хотинимнинг учта қариндоши, ўзимнинг эса иккита оғайним тўй қилади. Хотин ҳозирдан тўёнанинг ташишида. Хола-



# ЎҚИТУВЧИНИНГ БОШ ВАЗИФАСИ — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ БЎЛГАН ЁШЛАРГА БИЛИМ БЕРИШ

Бугун қайси даврга кирманг, ким билан суҳбатлашманг, гап мавзуси таълим тизими ходимлари меҳнатидан уларга тааллуқли бўлмаган соҳаларда ҳам фойдаланилаётганига бориб тақалаверади. Ижтимоий тармоқлар, интернет нашрлари бу ҳақда бонг урмоқда.

бурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги Конвенцияга (1957 йил 25 июнда қабул қилинган, 1997 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган) кўра тақиқланади.

Фуқаролар мажбурий меҳнатдан ҳимояланиш учун судга мурожаат қилишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51-моддасида меҳнатга мажбурлаганлик учун маъмурий жавобгарлик (энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима) назарда тутилган.

Меҳнат кодексининг 177-моддаси «Иш берувчининг бурчлари» деб номланади. Унга кўра, «иш берувчи» ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга хилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф туғдирувчи, уларнинг шъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

## “ЎЗ ИШНИ ҚОЙИЛЛАТИ БАЖАРСИН!”

**Н.Пўлатова, фахрий ўқитувчи (Бухоро вилояти):**

— Кўча тозалашга, чопиққа, чеканкага мажбуран жалб этилаётгани учун бош айбдор — ўқитувчининг ўзи! Яъни, саводи ҳаминқадар, ўз ҳақ-хуқуқини яхши билмайдиган, касбининг моҳиятини тушунмайдиган, қандайдир йўллар билан олий таълим муассасасига кириб қолган, дарсларга қатнашмай, имтиҳон синовларида пора эвазига баҳо олган талабадан қандай ўқитувчи чиқарди? Дарсини қойиллатиб ўтолмаган, ўқувчига етарли билим беролмаган ўқитувчи жамоатчиликдан тили қисқиб бўлгач, индамай кўчани ҳам тозалайди, чопиққа ҳам чиқади! “Бир пайтлари ўқитувчининг ҳурмати, қадр баланд эди. Бугун у беқадр бўлди!”, деб айюҳаннос соляимиз. Ким кимни беқадр қилляпти?! Ҳар ким ўзини ўзи қийматсиз қилади, биров бировни қийматини арзон баҳоламайди! Ўқитувчиси у, ўқувчиси ўқитсин, билим берсин. Ван олимпиадаларида ўқувчилари голиб бўлсин, ўз билими билан олий ўқув юртига кир-

син. Унинг қўлида ўқиган ўқувчининг ота-онаси боласини репетиторда ўқитишга пул сарфламасин! Ўз ишини қойиллатиб бажариб қўйсин! Ахир у жамиятни тарбиялайдиган шахс-ку. Узини, касбини, шънини ҳимоя қилолмаган ўқитувчига халқ қандай қилиб фарзандларининг тақдирини ишониб топширади?!

**Салоҳиятли авлод етишиб чиқишини истаган халқ барча нарсдан олдин ушбу авлодни тарбия қиладиган ўқитувчи мураббийлар ҳақида қайғуриши лозим.**

**Ҳикматлар чашмасидан**

## ЭЪТИРОЗ БИЛДИРГАННИ ИШДАН БЎШАТИШАДИ

**Назокат тарбиячи, Кўкон шаҳри:**

— Ҳашарга чиқмаганимизга қўйишмайди-да! Жазирама иссиқ ёки изғирин шамолда ҳамма уйда ўтиганида далага чиқиб чопиқ қилишни ким ҳам хоҳларди? Чикмайман, деб эътироз билдиргани ишдан бўшатишади. Кимга дардимизни айтаемиз? Ҳозир иш топиш осонми?

**Нодирабегим Жамолова, “Ёшлар овози” газетаси муҳбири:**

— Кўча тозалаш, далада ишлаш, ободонлаштириш юмушлари, деворларни бўяб-безаш ўқитувчининг касб фаолиятига кирмайди. Нега у бундай ишларни бажаришга кўнъяпти? Бу дўрқоқликми ёки андишамми? Агар андиша бўлса нега? Кимдан, қайси сабабга кўра андиша қилляпти? Кўрқоқлик бўлса, нега кўрқадми? Ҳеч ким ўқитувчини “пахта термади”, “картошка чопиғига чиқмади” ёки “кўчани тозаламади”, деган сабаб билан ишдан бўшата олмайди-ку!

**Йўналишли тақсидидаги суҳбатлардан:**

— Ўқитувчининг шахсий ҳаёти йўқ. Ҳафтада опти кун ўқувчиларни ўқитади. Яқнаба кун албатта, ё кўча тозалашга ё далага чиқиб ишлашимиз керак. Ҳеч бўлмаганда: “Мактаб атрофини ободонлаштириш”, деган баҳона билан директор уй-рўзгор юмушларига ажратилган кунимизни ҳам “еб юбора-

ди”. Ишдан бўшай десам, рўзгор юки эримнинг бир ўзига қийинлик қилади. Ишлай десам, ортиқча меҳнатдан безиб кетдим. Биров ўқувчининг билими билан қизиқмайди. Текширувчиларнинг фикру зикри қоғозда! Ёзув-чизувдан айб топса-ю, ўқитувчидан пора олиб, ўша “камчилик”ни ҳаспўшлаб жўнаб қолса...

**О. Қосимов, иқтисодчи:**

— Ўқитувчилар ўз ихтиёри билан ҳашарга, пахта йигим-теримида қатнашишга тилхат ёзиб бераётгани жуда кулиги ҳолат. “Ёзмасанг ишдан кетасан”, “Ё пахта теримига чиқман деб тилхат ёзасан, ё бўшаш ҳақида ариза ёзасан!” деган зугумлар остида тушунтириш хати, билдирги ёзаётган бўлса, демак бу ўқитувчининг андишали экани ёки кўрқоқлигидан эмас! Мен буни тили қисқилликка йўйган бўлардим.

**Таълим ва тиббиёт соҳаси ходимларининг мажбурий меҳнатга жалб қилиниши хусусида кўпчиликда эътироз бўлишига қарамай, нега ҳануз бу муаммо тугал ечим топмаяпти?**

Яқинда интернет сайтлари Ўзбекистон ҳукумати ўқитувчи ва шифокорларни пахта теришга жалб қилишни тақиқлагани тўғрисида хабар тарқатган эди. Буни Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳам тасдиқлади. Аммо... Фейсбук ижтимоий тармоғида тойлоқлик бир ўқитувчи мактаб директори мажлис ўтказиб, пахта йигим-теримига тайёрланиб тураверингллар, дегани ҳақида хабар қолдирган...

## “ПЕДАГОГЛАР ЎЗ КАСБИГА АЛОҚАДОР БЎЛМАГАН ИШЛАРГА ЖАЛБ ЭТИЛМАЙДИ!”

Халқ таълими вазирлиги расмий сайтида куйидаги баёнот эълон қилинди: “Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятовнинг www.kun.uz сайти муҳбири билан суҳбати эълон қилинганидан сўнг баъзи интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларда ушбу масалага ноҳолис ёндашиш, интервьюнинг айрим қисмларини контекстан ажратиб, нотўғри талқин қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Халқ таълими вазирлиги мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишига мутлақо қарши ҳамда тизимда фаолият курсатаётган педагогларнинг ўз касбига алоқаси бўлмаган турли ишларга жалб қилинишига йўл қўймайди. Соҳада хизмат қиладиган 400 минг нафардан ортиқ фидойи устоз ва мураббийларнинг меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда устоз обрўсини ошириш йўлидаги ишларини давом эттиради.

Вазирлик қонунчиликимизда белгиланган меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқий нормаларга сўзсиз амал қилади”, — дейилади вазирлик расмий сайтида.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Бу мавзуда фикрлар хилма-хил. Нима бўлганда ҳам ўқитувчининг бош вазифаси — миллат келажаги бўлган ёшларга билим бериш. Улардан энг аввало ана шу вазифага масъулликни талаб қилсак тўғри бўлади.

**Умид АДИЗОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири**

## ҲУҚУҚИЙ АСОС!!!

Мамлакатимизда мажбурий меҳнат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси, Меҳнат Кодексининг 7-моддаси, шунингдек, «Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида»ги Конвенция (1930 йил 28 июнда қабул қилинган, 1997 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган) ҳамда «Мажбурий меҳнатнинг қилиниши»

oilavajamiyat@mail.ru

# КЕЛИН ОЛДИМ - ТАШВИШГА ҚОЛДИМ...

Янги келин тушган уйнинг файзи бошқача бўлади. Оқила, одобли, тежамкор, эпчил келин – хонадон зийнати, дейди кўпни кўрган отахону онахонлар. Аммо кейинги пайтда эпли келинларга қараганда “сепли”, “зеб-зийнатли келин”лар кўпайди. Уларнинг “зеб-зийнати”га қўшилиб оналар ва қайноналарнинг ташвиши ҳам ортганини айтмасизми?

“Келин олиб, бошим ташвишдан чиқмай қолди, – дейди Назира исмли аёл. – Сепида келган мебеллари, идиш-товоқларини бирам авайлайди. Мободо қизларим келиб, невараларим келиннинг уйига кирса борми, нақд баюга қоламиз. “Ота-онам не машаққатда топган бу мебелларни”, деб нақд урмай бошимизни ёргудек бўлади. Вой тавба, қурибгина кетсин шу матоҳлар одамдан азизми, дейман. Янаям боламнинг рўзғори-да, тинч бўлсин, деб тилимни тишлайман. Ишонсангиз, келинимнинг уйига невараларим кириб кетмасин, деб уззукун қоровуллик қиладиган бўлиб қолганман...”

## ТИЛЛАНИНГ ТАЪНАСИ

Бўлган воқеа

Куда аёлнинг синглиси Дилбар опага (исм ва манзиллар шартли) кўнғироқ қилиб, ширинсуханлик билан ҳол-аҳвол сўрашгач, бирдан овозига заҳарханда тус бериб:

– Бизнинг қизимиз ердан чиққан эмасди, ўнанинг биттаси, қўли гул чевар эди. Шундай қизимиз тилла тақинчоққа арзимабдимми?! Ё қўрбингиз етмадимми? Агар шундай бўлса, нима қилардингиз чираниб, куда пошша? – деди.

Ўзидан анча ёш жувондан бу сўзларни эшитиб, Дилбар опанинг танасида титроқ турди. Бир муддат ўзини қўлга ололмай каловланиб қолди.

– Синглим, тўй олдиндан шу гаплар бизга ярашадими? Келинимдан ўн та тилла тақинчоқ айлансин. Бироқ ҳозир шугинага қўлимиз калталик қилиб турибди. Худо хоҳласа, тўйдан кейин олиб берармиз...

– Э-э, жияним – камлик кўрмай ўсган қиз. Тенг-тўшлари олдида ер билан битта бўлибди-я, шўрлик. Бизда никоҳ тўйидан аввал «тилла тақди» деган маросим бор. Сиз бўлса, уялмай-нетмай куппа-қуруқ келибсиз-а, тавба! Гап шу, эртагаёқ латта-путталарингизни қайтариб олиб кетинг. Бўлди, фотиҳани бузамиз!

– Ҳай, шайтонга ҳай беринг. Шу тилла ўлгур одамнинг бахтидан азизми? Ёшларнинг бир-бирида кўнгли бўлса...

– Кўнгли дегани қорин тўйдирармиди. Биз сўзимиздан қайтмаймиз!

Дилбар опа шалвират қолди. “Келинига биттагина тилла тақинчоқ олиб беролмабди-я”, деб унинг устидан ҳамма кулаётгандек эди, гўё...

Ҳеч қандай хикмати йўқ, аёлларнинг ўзлари ўйлаб топган бемаъни удум боис муҳаббат ила боғланаётган кўнгли ришталари батамом узилди. Уша кўнглисизликдан кейин бир йилгача Дилбар опа юраги бетлаб бировнинг остонасини босиб бора олмади.

Ёшларнинг кейинги тақдири ҳақида ақинда билдим: Йигит рафикасига



кўнглисиз бўлибди, қизни бой-бадавлат оила келин қилган бўлса-да, турмуш қилиб кетолмабди...

**Зубайдаҳон Мадаминова, меҳнат фахрийси:**

## ЎЗИМИЗНИ ЎЗИМИЗ ҚИЙНАМАЙЛИК

– Йиллар ўтгани, инсонларнинг ҳаёти тўкинлашиб боргани сайин антиқа одатларни ўйлаб топишар эканда. Авваллари никоҳ тўйи – совчилик, оқлик бериш, фотиҳа қилиш, яъни тўй кунини белгилаш, тўй ва шу куни «юз очар» маросимини ўтказишдангина иборат бўларди. Бу жараёнда ёши улғу инсонлар маслаҳатига кўра иш кўриларди. Кейинги пайтда ғалати одатлар пайдо бўлди. Баъзи ҳолларда ёш-ёш жувонларнинг совчиликка бораётганини кўриб, ёқа ушлайсан киши. Улар қадимги урфларимизни билишмайди-да, ўзларича янгилик яратмоқчи бўлишади.

Наманган шаҳрида пайдо бўлган «тилла тақиш» одати ҳам худди шундай «янги одат»лардан бири. Қадимда келинга биттагина никоҳ узуги тақдим этилган, холос. Момоларимиз (тилла бўладими ёки жезми фарқи йўқ) шу узукни умрлари сўнгигача авайлаб юрганлар. Кейин уни келинлари ва набира келинларига мерос қилиб беришган. Сўнгги вақтга келиб бўлажак

келинга нархи 5-6 миллион сўм бўлган бриллиант кўзли исирға ва узук ёхуд ўн граммдан кам бўлмаган тилла занжир таққанларни ҳам кўряпмиз. Юқоридаги каби айнан мана шу керакисиз одат туйфайли қудалар ўртасидан муроса қочаётгани, ёшларнинг бахти забун бўлаётгани ани ҳақиқат. Бунга қанча тезроқ чек қўйсақ, шунча яхши. Акс ҳолда ўзимиз ўз бошимизга ташвиш солаварамиз.

Бу жараёнда маҳалланинг кекса ёшли ҳар бир фуқароси жон куйдириши керак. Уқтираверсақ, ёшлар аста-секин ортиқча одат ва харажатлардан чекинади, албатта.

## «ШУНАҚА ҚИЛСА ҲАМ БЎЛАДИ-КУ!»

Бўлган воқеа

Ўқтам холянинг тўрт келини бор. Кенжа ўғли рус қизни севиб қолди, қайсарлик қилиб ахйири, унга уйланди. Дастлаб келинчакни у қадар хушламаган хола мундоқ разм солиб қараса, Света келини (хола уни Саида деб чақиради) ҳавас қиларли даражада тежамкор экан. Бунинг устига эпчилчакқон, иккита бодринг, битта помидор, бир парча пишлоқ ва кўкатдан ҳам бирпасда шунақа мазали салат тайёрлайдики, еб тўймайсан. Боласининг уст-боши доим тоза. Уйнагани чиқмоқчи бўлса, алоҳида кийим кийдиради. Ўзининг бўлса, тўрт донагина одми кўйлаги бор, холос. “Ортиқчасини нима қиламан, ойижон”, дейди.

**5-6 миллион сўм бўлган бриллиант кўзли исирға ва узук ёхуд ўн граммдан кам бўлмаган тилла занжир таққанларни ҳам кўряпмиз.**

Деярли сепсиз келганида, холянинг маҳалла-қўйда тили қисилгандай бўлувди. Бироқ тўйдан кейин ҳеч қанча ўтмай Света рўзғорни бус-бутун қилиб қўйди. Энди у қўшнидан тухум қовурадиган това, бу қўшнидан сомса пиширадиган печ сўраб ўтиришмайди. Ҳаммасидан ҳам холага ўғли ва невараларининг овқатланиши тартибли экани, келини уларнинг соғлигини доим назорат қилиб туриши ёқди. Болаларидан тез-тез ошқозони безовта қилиб

турадиган ўғли ҳозир бутунлай соғайиб кетди. Набиралари ҳам соғлом.

Ўқтам хола Светани овсинлари билан солиштиради. Яқинда синглиси тўй қилгани учун уч юз минг сўмга янги кўйлак тиктирган, яна салкам ярим миллион сўм тўёна қилган катта келини кеча ундан қарз сўраб келибди. Болалари мактабга тайёр эмасмиш. Светанинг ҳам акиси қиз узатди. Эр-хотин йигирма беш минг сўмга катта гулдаста сотиб олишди-да, тўйга бориб келишди. Ҳеч ким улардан ҳафа бўлгани йўқ. “Қимматбаҳо нарса ё кўпроқ пул тўёна қилмадинг”, демади ҳам...

Ўртанча келини молпараст. Уч қизига сеп йиғишдан бўшамайди. Музлатгичи ойнаб гўшт кўрмаса, ташвишга тушмайди, аммо бир ойда биттадан қимматроқ нарсани сеп қилиб қизларининг сандиғига ташламаса, тунлари ухламай чиқади. Бир ой аввал кенжа невараси сариқ касал бўлди. Тузуқроқ давлатмадимми ё парҳезини ўрнига қўймадимми, яна қайталади. Ҳозир эр-хотин бўғзигача қарзга битиб, қизни давлатиш билан овора.

Шу одобли, бамаъни, шифокор келини Светани деб Ўқтам хола маҳалла-қўйда кўрагини кериб юрибди. Тўймаъракаларда, издиҳомларда Светанининг рўзгор тутумини гапирса, эшитганлар: «Ҳа-я, шунақа қилса ҳам бўлар экан-ку», дейишади...

**Махбубаҳон Худойберганова, Учкўрғон туманида яшовчи фахрий ўқитувчи:**

## ОДОБИ – ОЛТИНДАН ҚИММАТ

– Икки келин туширганман. Олий маълумотли кенжа ўғлимга коллежни битирган қизни келинликка танлаганимда, ҳамма мени фикримдан қайтаришга уринган. Менга у оиладаги соғлом муҳит, қизнинг ахлоқ-одоби, тарбияси ниҳоятда маъқул келган эди. Адашмаган эканман, келимин ишончимни оқляпти. Шу пайтгача на ўғлим, на менинг кўзимга тик қараб, гап қайтаргани йўқ. Тилидан «хўп бўлади, ойижон» тушмайди. Баъзида дашном берсам, дарров уэр сўрайди. Ўргатганларимни қулোগига қўйиб олади. Келинини намунча мактади деманг-у, аммо у бир кунга ота уйига кетса, келгунча зерикиб, соғиниб қоламсин. Илоҳим, ўғлим билан қўша қарисин. Болаларимни ёлғизликда улғайтиргандим, роҳатини кўраялман. Шундай қизни тарбиялаган қудаларимга минг раҳмат.

Айтганча, мен тўйда қудаларимни қизига қиммат мебелу, қўш-қўш кўрпа-тўшақ, сарпо қилишларига йўл қўймадим. Чунки уйимизда жиҳозлар етарли эди. Иккита кўрпа, тўрт жуфт кўрпача, тўрт жуфт ёстиқ, бир дона сандиқ, олтига кийим-кечак билан келди келиним.

Мана, ҳозир институтга кириш учун тайёргарлик кўряпти. Ўғлим эса мабодо шартнома асосида ўқишга кирса ҳам ўқитамиз деб, анча-мунча мабағ жамғариб қўйди. Хуллас, одобли, эпчил ва тежамкор келин – оиланинг гавҳари бўларкан.

## СЎНГИ СЎЗ:

Азиз муштарий, юқоридаги воқеаларни қўшиб-чатиб ёзмадик. Ҳаммасини ҳаётда қандай бўлса, бори-ча тасвирладик. Хулоса сиздан. Атрофимизда бундай тақдирлар жуда кўп. Уларнинг ҳар бири биз учун бир мактаб бўлишга арзийди, шундай эмасми?

**Шахло ТОШБЕКОВА,**  
Наманган вилояти

oilavajamiyat@mail.ru

Бугунги кунда айрим ёшларнинг турмуш тарзига қараб, кўнглимда бир савол тақорланаверади: “Булар нега фарзандлари тарбиясига масъуллиқни ҳис этмайдилар?!” Қачондан бери оналар боласини уйда ёлғиз қолдириб гап-гаштакларга ошиқадиган бўлиб қолди? Боласи бетоб ётганига қарамай, қимматбаҳо кўйлак ташвишида бозорма-бозор, дўконма-дўкон юрган жувон тарбияни кимдан олган? Биз катталар фарзандларимиз қийналмасин, бошқалардан кам бўлмасин, деб уларни молпараст, нарсапараст қилиб қўймаймизми?



# АЁЛЛАР, ЎЙГА ҚАЙТИНГ!

Ахир ота-оналар ёшлар ҳеч бир қийинчиликсиз, осонгина оила қуриши учун ҳамма шароитларни яратиб бермаяптими? Натижада фарзандларимиз орасида ҳаётга енгил-елпи қараш, оила мустақамлиги учун жон куйдирмаслик ҳолатлари тез-тез учрамоқда.

Бундай ноҳус ҳолатларнинг олдини олиш учун катталар насиҳат қилиб, ўзининг ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, мисоллар айтса, ёшлар тап тормай: “Сизларнинг ҳаётларингиз ўтмишда қолган эртақ, биз янги замонда, демократик давлатда яшаямиз, сизлар айтаётган эртақлар қолиб кетди”, деб жавоб қайтарадилар.

Аслида замон ўзгаргани йўқ. Ёшларга эртақдек туюлаётган ўғитларнинг ҳаммаси ҳаётдан олинган, ёши улғу отахон ва онахонлар ана шундай қийин кунларни бошидан ўтказган.

Бугун тўкин-сочинликда яшаётган телефон, интернетдаги бемаъни ўйинлар, кўнгличор дастурларга чалғиб, вақтини беҳуда сарфлаётган ёшлар оила, фарзандлар олдидаги масъулиятини ҳам унутиб қўймоқдалар. Оқибатда жажжи фарзандларнинг ҳаётга қарашини ҳам шу асосда шаклланмоқда. Кўпга ёш оталар интернет ўйинлари, тенг-тўшлари билан чойхона ва зиёфатларга андармон бўлиб кун ўтказётган бўлса, аёллар ҳашаматли кийимларга, ўйин-қулгуга ружу қўйганлар. Натижада улар учун оила иккинчи ўринга ўтиб қолмоқда. Оқибатда фарзандлари ота-она меҳрига зор бўлиб ўсаётган оилалар кўпайиб бораётир.

Айрим хонадонларда ориятсиз оталар иш йўқлигини рўқач қилиб, аёлларини пул топиш учун бозорга чиқариб юборган. Баҳоналари ҳам тайёр: “Аёллар бозорда савдо қилса, солиқ ва бошқа ҳуқуқ идоралари вакиллари уларга индамайди. Эркакларни тутиб, ноқонуний савдо қилгани учун

молини мусодара қилади”, дейишади. Масъулиятни ҳис қилиб, савдо-сотик борасида амалдаги қонун-қоидаларга риоя этиб ишласа, ҳеч ким уларга тазийқ ўтказмайди-ку!

Бугуннинг аёллари уйининг фариштаси, меҳрибон она, фарзандларининг мактабдан қайтишини, эрининг ишдан келишини интизор кутадиган бека

**Ресторану кафеларда зиёфатбозлик қилиш, спиртли ичкилик ичиш ўзбек аёлига ярашмайди. Аёл нафақат бир ўзининг, балки оиласи, турмуш ўртоғи, фарзандлари ва бутун жамиятнинг шаънидир. Онанинг биргина хатоси келгусида фарзандлари, ҳатто набираларининг тақдирига даҳл қилиши мумкин.**

зканини унутиб қўяётгани ачинарли ҳолат. Ахир келажак авлоди аёллар дунёга келтириб, тарбиялайдилар-ку! Шунинг учун онанинг бола тарбиясидаги лоқайдлиги кечирилмайди. Пул топиш, рўзгор таъминотини эркакларга топширинг, азиз аёллар! Сиз уйингизга қайтинг, оилангиз бағрини тўқис қилинг. Фарзандларингиза тўғри тарбия бе-

ринг. Ҳунар ўргатинг, китоб ўқишга жалб қилинг, турли хорихий тилларни ўрганишига шароит яратиб беринг. Агар аёл оқила бўлса, нафақат болаларининг балки оиласи, ўрни келганда турмуш ўртоғининг тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсата оладиган даражада қувватга эга! Шу боис унинг зиммасига энг аввало келажак ворисларини тарбиялашдек унган масъулият юкланган. Аммо кунини турли гап-гаштакларга сарфлаб, кечкурун фарзандлари олдида етишмовчиликларни эрининг юзига солиб, нолиб яшаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас-да. Оилада гоҳ тўкинлик, гоҳ етишмовчилик бўлиши табиий ҳолат ва бу муаммолар аста-секин барҳам топади. Аёллар мана шу ҳақиқатни англаб, оғир-босиқлик билан фарзандлари тарбиясида собит турсалар, бунинг ширин мевасини келажакда албатта, татиб кўришади.

Шу ўринда оталарга ҳам айтар сўзим бор: Муҳтарам оталар! Сиз ҳам ўз вазифангизни масъулият билан бажаришга киришинг. Аёлингизни пул топиш учун қўчага чиқариб қўйиб, ўғил-қизларингиз тарбиясини аро йўлда қолдирманг. Болаларингиз бахтиёр бўлишини истасангиз, уларнинг оналарини асраб-авайланг.

Бугун мамлакатимизда ўқувли, меҳнаткаш аёллар учун уйда ўтириб ҳам пул топиш имконияти бор. Бежиз доно халқимиз: “Излаган имкон топар”

демайди-да. Орамизда давлат ва жамоат ишларида фаол бўлган, меҳнат қилиб, пул топаётган, ҳам оиласини эплаб, эри, фарзандларини оқ-ювиб оқ тараётган оқила ва зукко аёлларимиз жуда кўп. Тадбиркор аёлларимиз фарзанд тарбиясини ҳам, ўз ишини ҳам қойиб қилиб уйдаламоқда. На фарзанд тарбиясига қарамай, на оиласига фойдаси тегмай ялтир-юлтур матоларга етолмаганидан нолиб яшаётган аёлларимиз шундай тадбирли, оила бекалари, замондош дугоналаридан ибрат олсинлар.

Ресторану кафеларда зиёфатбозлик қилиш, спиртли ичкилик ичиш ўзбек аёлига ярашмайди. Аёл нафақат бир ўзининг, балки оиласи, турмуш ўртоғи, фарзандлари ва бутун жамиятнинг шаънидир. Онанинг биргина хатоси келгусида фарзандлари, ҳатто набираларининг тақдирига даҳл қилиши мумкин.

Уй – аёлнинг меҳроби, деган ҳикматнинг залвори оғир. Оёғи остида жаннатни яшнатган она бўлишни истасангиз, уйингизда жаннат муҳитини яратинг. Фарзандларингизга гўзал тарбия бериб, ўсиб-унишларига ёрдамлашинг. Ана шунда буюкларга она бўласиз ва Ватанимизнинг бундан-да ривожланиб, гуллаб-яшнашига ҳиссангизни қўшасиз.

**Максуда ФОЗИЛОВА,**  
Жиззах вилояти, Зомин тумани,  
“Қайирма” МФЙ фаоли

Гоҳида жуссаси кичкина, елкалари кенг, қўллари узун, юзи узунчоқ, оёғи қалта, пакана болаларга дуч келади. Қандай ҳолларда ўсишида бундай нуқсонли болалар туғилади ва бунинг сабаби нимада?

**Нодира Ғиёсова,**  
Тошкент шаҳри.

Болаларда учрайдиган паканалик асосан авлоддан-авлодга ўтадиган касаллик ҳисобланади. Аммо баъзида она организмиде йод етишмаслиги туфайли ҳам бундай ҳолат келиб чиқади. Болада туғма гипертериоз (яъни қалқонсимон безда гармонлар етишмаслиги) бошланади. Йод етишмаслиги фақат боланинг бўйига эмас, кўриш қобилиятига ҳам таъсир қилади. Бола ўсиши учун зарур бўлган гармонни кўпроқ ухлаётганда олади. Кечкурун соат 1-2 ларгача ҳам ухламай юрадиган айрим болаларда соматотропин гормони етарли даражада ишлаб чиқарилмайди, натижада организм ўсидан тўхтаб қолади. Ундан ташқари компьютер, телефон, телевидение

## ЭНДОКРИНОЛОГ

зор ёнида узлуксиз равишда ўтириши ҳам болаларнинг жисмонан ривожланишига таъсир қилади.

Кўпчилик соғлом бола туғилиши аёлларга боғлиқ деб ҳисоблайди. Бу қараш нотўғри. Урта бўйли, соғлом, ақлли, чиройли болалар дунёга келиши аёлдан кўра эркакка кўпроқ боғлиқ. Тиббиёт нуқтаи назаридан қараганда эркакнинг спермаси унинг организмиде 120 кун давомида ривожланади. Демак, у аёлидан соғлом фарзанд кўриши учун 120 кун, яъни уч олдин тайёргарлик бошлаши, агар унда йод етишмовчилиги бўлса, йод препаратини доимий равишда қабул қилиб



## ОГОҲЛАНТИРАДИ

бориши зарур. Агар эркак киши ҳам аёли билан бир вақтда муолажаларни олиб борса, юқоридаги каби пакана ёки ўта новча болалар дунёга келишининг олди олинди. Шунинг учун мен оналаримизга қизлар билан бирга ўғилларини ҳам тез-тез эндокринолог шифокор кўригига олиб боришларини тавсия қиламан.

лар чиройли қадди-қоматга эга бўлиши учун кўпроқ гўшт, тухум, ловия, твороғ, қатиқ, кўзиқорин каби оқсилга бой маҳсулотларни истеъмол қилишлари керак. Шакар, нон, бутербродларни иложи борича камроқ едирган маъқул. Боланинг бўйини ўстирадиган гормон ишлаб чиқарилиши учун албатта, оқсилнинг ўрни катта. Улғевод билан ёғнинг меъеридан ортиги унинг ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин.

**Саволга эндокринолог шифокор**  
**Гўзал ИСМОИЛОВА**  
жавоб берди.

### ЭЪЛОН

2001 йил 30 августда Тошкент шаҳар Яшнобод туманида яшовчи Аминов Азимжон номига расмийлаштирилган гувоҳнома ва кадастр (60-китоб, 9970 рақамли) ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.



## УДУМЛАРДА ИҚБОЛ РАМЗЛАРИ



Никоҳ тўйлари ҳар бир халқнинг ўзига хос удумлари, урф-одатларини намойиш этувчи кўзгу, десак хато бўлмайди. Дунё халқларининг барчасида ҳам оила қуриш – муқаддас қадрият саналади. Шу боис тўйлар билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарнинг барчасида икки ёшнинг бахтли-саодатли, ували-жували бўлиши ва оила мустаҳкамлигига алоҳида урғу берилади.

#### 1 Ҳиндистон:

##### КУЁВГА ПОМИДОР ОТИЛСА-Я?!

Бу мамлакатнинг ҳудудларида никоҳ тўйлари билан боғлиқ ўзига хос анъаналар мавжуд. Тўйдан олдин келиннинг қўлига дўстлари ва оила аъзолари томонидан хина, яъни "меҳнди қўйиш" маросимини ҳисобга олмаганда қолган урф-одатлар бир-бирини асло такрорламайди. Масалан, Панжобда келин тўй либосини кийишдан аввал "илоҳий кўза"га тўлдирилган сувга ювиниб олиши керак экан. Сув тўлдирилган кўзани ибодатхонадан олиб келиш учун эса куёвнинг онаси ва келиноийси юборилади.

Бенгалида куёвнинг онаси тўй маросимида қатнашолмайди. Қоидаси шунақа. Қайнонага тўйда иштирок этишга рўхсат йўқ! Тамил Браҳминда тўй бошланишидан бир неча дақиқа аввал куёвнинг отаси ўғлига оиланинг муҳимлиги, эрининг роли ва масъулияти ҳақида панднасихат қилади.

Уттар Прадешда келинчакнинг уйига кириб келаётган куёв оиласини гулчамбарлар билан эмас, балки помидорларни улоқтириб кутиб олишар экан. Бу анъана куёв ва келин ўртасидаги ҳар қандай бахтсизликни йўқ қилишига Уттар Прадешликлар астойдил ишонишади. Биҳарида куёвнинг уйига биринчи қадами кўйиши биланок келиннинг сабри, назокати синондан ўтар экан. Қайнонаси берган лойдан ясалган кўзачаларни бошига устма-уст қўйган ҳолда келин назокатли одимлаб, ўрни келганда тавозели таъзимлар қилиб, хонадон катталаридан дуо ва турли совғалар олади. Кўзачаларни тушириб юбормаслиги, мувозанатни сақлаб олиши маросимнинг асосий қоидаси ҳисобланади. Келинчак кўзачаларни кўтариб юриш жараёнида қандай қилиб мувозанат сақлаган бўлса,

оилада ҳам аҳиллик, тотувликни шундай ушлай олади, дейишади биҳарликлар. Манипурида тўй куни жин-руҳларни қочиришда балиқ муҳим рол ўйнар экан. Келин-куёв хонадонга яқинроқ ҳовузга балиқларни қўйиб юборади. Агар улар ёнма-ён сузиб кетса, бу яхшилик аломати.

Мамлакатнинг баъзи ҳудудларида ноодатий удумлар мавжуд. Масалан, агар қиз Манглик (Астрономияга оид) бўлиб туғилган бўлса, уни лаънатланган деб билишади. Бу тавқи лаънатни олиб ташлаш учун у аввал дарахга турмушга чиқиши керак. Тавқи лаънат олиб ташлангандан кейингина у бирор йигит билан оила қура оларкан.

#### 2 Ҳитой:

##### ЙИГЛАНГ, ҚИЗИМ, ЧИРОЙЛИРОҚ ЙИГЛАНГ!

Тўй маросимларини ўзига хос ўтказиш учун Хитойда қизларни ёшлигиданоқ махсус "режалаштирилган йиғи"га тайёрлаб, ўстиришади. Тўйдан бир ой олдин узатилаётган қиз ҳар куни бир соатдан йиғлаши керак. Биринчи ҳафтасида онаси, иккинчи ҳафтасида бувиси, сўнгисиди эса сингиллари унга қўшилиб йиғлайди. Бунда қиз хўнграб эмас, балки чиройли қўшиқ айтгандек йиғлаши лозим. Атрофдагилар келиннинг қанчалар чиройли йиғлай олишига баҳо берадилар.

Хитойда келин-



чакнинг тўй либослари сони учтадан кам бўлмаслиги керак. Биринчиси қизил рангли миллий "қиплао" ёки "чеонгсам"дир. Бу ранг Хитойда омад, куч ва муҳаббат рамзи ҳисобланади. Шунинг учун тўй маросимларида қизил рангнинг ўрни катта. Келиннинг юзини ёпиб турувчи рўмол ҳам, бошидаги соябони ҳам қизил рангда бўлади. Қизнинг иккинчи либоси Ғарб мамлакатларидагидек узун ва бежирим оқ либос. Сўнгиси кечки нафис либос бўлиб, унинг рангини келиннинг ўзи танлайди.

#### 3 Мўғлистон:

##### ТЎЙДАН КЕЙИН ҚАБРИСТОНГА...

Уйланаётган мўғил йигити ўзи танлаган қизнинг уйига қимматбаҳо буюмлар юбориши керак. Агар қизнинг оила аъзоларига бу ҳадялар манзур бўлса, тўйга рўхсат берилади. Акс ҳолда йигитнинг совғалари қайтариб юборилади.

Тўй куни келинни олиб келиш учун қизнинг уйига отланган куёв жўралар анъанага кўра, яшил сабзавотлар олиб боришлари керак. Бу удум куёв ва келин ўртасидаги муносабат ҳар доим яшанаб туриши учун қилинади. Келиннинг уйига боргач, куёв таомга қўл узатмайди. Уни куёв жўралар овқатлантиришади. Тўйнинг эртасига ёшлар қизнинг ота уйига боришади ва келиннинг отаси куёвга кумуш билакузук тақдим этади. Кейинги кун эса таом ва егуликлар билан қабристонга бориб, ўтиб кетган аждодлар руҳини шарафлаб, тоат-ибодат

қиладилар ва қайтиб келгач, ота-онасининг оёқларини ювишади. Бу уларга нисбатан эҳтиром ифодаси ҳисобланади.

#### СУТ, КИТНИНГ ТИШИ, ЁҒОЧ ҚОШИҚ ВА СУПУРГИ...

Суданда тўй беш кундан кўпроқ давом этади. Суданнинг ноодатий тўй удумларидан бири – келин-куёв сут ичиб, сўнг уни бир-бирининг юзига сепишидир. Бу сутдек пок муҳаббат ифодаси ҳисобланар экан.

Ғажибда уйланиш йигитлар учун бироз хавфли. Нега дейсизми, йигит қизнинг қўлини сўрашдан олдин, унга ноодатий совғани тақдим этиши шарт. Айтилик, розилигини олиш учун кўплаб фижилик йигитлар бўлажак қайнонага китнинг тишларини тақдим қилишлари керак.

4 Италияда келин ва куёв кўприк ёнига келиб, ўрнатилган панжарага қўлф илиб, уни қўлфлаб, қалитини сувга улоқтиришади. Бу удумни адо этгач, икки ёш абадий бирга бўлади, деб ишонишади.

Уэльсда куёв суйган ёрига нақшлар билан безатилган ёғоч қошиқ совға қилади ва шу орқали келажақда келиннинг оч қолишига ҳеч қачон йўл қўймастлигини билдирди.

5 Грециянинг тўй маросимларида келин-куёв миллий рақса тушадилар. Бу пайда меҳмонлар уларнинг ёнларига келиб, кийимларига пул илиб кетадилар. Бу қадриятни улар фаровонлик белгиси сифатида асрашади.

Американинг жанубий қисмида келин-куёв тўй куни супурги устидан сакраб ўтиши керак экан. Бу уларнинг келажақда ҳар қандай қийинчиликдан бирга ўтиши рамзидир.

6 Германияда тўйга таклиф қилинган меҳмонлар идиш буюмлар олиб келишади. Энг қизғин, бу идишлар рўзгорда фойдаланиш учун эмас, балки синдириш учун келтирилади. Негаки, улар синган идишлар товуши ёвуз руҳларни қочиради, деб ҳисоблайдилар.

Конгода тўй ўтгунча келин-куёв хўмрайиб ўтиришга мажбур. Чунки ўз тўйида қулиш ҳатто жилмайиш ҳам яхшилик аломати эмасмиш.

Кенияда келинчак ўз уйдан чиқиб кетаётганида бахтсизлик ва омадсизликни йўқ қилиш учун отаси унинг юзига сув пуркайди.

Робия НУРАЛИЕВА тайёрлади.

**Oilavajamiyat**  
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

#### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,  
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси  
(Болалар жамғармаси) ва  
“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Лўқмонов

#### МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.  
Амир Темури кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 926. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 4850. Ваҳоси келишидиган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: У. Адизова  
Мусаҳҳих: С. Сайдалимов  
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида 9 772010 760007 терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5